

Кассация инстанциясида маърузачи:  
судья Д.Атамуратов

Биринчи инстанция судининг  
судьяси: З.Бобонов

## **Жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди кассация инстанциясининг**

### **А Ж Р И М И**

2019 йил январь ойининг 22 куни жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди кассация инстанцияси судлов хайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Камолов, судлов хайъати судьялари Р.Худайбердиева ва Д.Атамуратовдан иборат таркибда, З.Шодиевнинг котиблигида, тарафлардан Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори Э.Эшмаматов, судланган [REDACTED] нинг адвокати Д.Толибовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2017 йил 7 февралдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED], 1961 йил 11 сентябрь куни Фарғона вилоятида туғилган, қирғиз, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 6 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман судининг 2005 йил 7 апрелдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 5 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига;

2) жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг 2005 йил 30 июндаги ҳукмига кўра ЖК 155-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 156-моддаси 2-қисми “д” банди, 159-моддасининг 4-қисми, 242-моддаси 1-қисми билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми тартибида 11 йил 5 ой 5 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, Бадиш қишлоғида яшаган, иш бўйича қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилганга,

нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланган [REDACTED] томонидан келтирилган кассация шикоятига асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг ҳукмига кўра,  
[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 221-моддасининг 2-қисмининг

“б” банди билан 3 йил, ЖКнинг 60-моддаси тартибида 3 йил 1 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED], суд ҳукми билан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини Навоий шаҳридаги УЯ 64/46-сонли жазони ижро этиш муассасасида ўтаб келиб, 2016 йил 11 сентябрь куни соат 21 ларда умумий кечки текширув эълон қилинган вақтда, ўзининг шахсий ишлари билан шуғулланиб, кечки текширувга кечикиб чиққани учун туркум бошлиғи Д.Эргашев ундан тартиббузарлиги сабабини сўраганида, у ўзидан-ўзи қизишиб, бақир-чақир қилиб, берилган саволларига жавоб бермай, маъмурият ходимининг қонуний талабларини бажаришдан бош тортгани учун муассаса бошлиғининг 2016 йил 29 сентябрдаги қарорига асосан 1 ой қарцерга киритиб қўйиш интизомий жазосига тортилган.

Бироқ, [REDACTED] қарцер интизомий жазоси қўлланилганидан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, 2016 йил 5 ноябрь куни соат 10:30 ларда ишлаб чиқариш корхонасидаги ўз иш жойини ўзбошимчалик билан ташлаб кетгани сабабли, туркум бошлиғи Д.Протасов ундан тартиббузарлиги сабабини сўраганида, у берилган саволларига жавоб бермасдан, маъмурият ходимининг қонуний талабларига бўйсунмаган.

Судланган [REDACTED] кассация шикоятда, тузалиш йўлига ўтгани, ота-онаси кексалигини инобатга олиб, суд ҳукмини ўзгартириб, жазо муддатини камайтиришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси Д.Атамуратовнинг маърузасини, вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Э.Эшмааматовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, адвокат Д.Толибовнинг шикоятни қувватлаб берган фикрларини тинглаб, кассация шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйдаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

[REDACTED]нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзини айбига иқроқ бўлиб кўрсатув берганидан ташқари, жиноят ишида мавжуд бўлган [REDACTED]ни интизомий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида муассаса бошлиғининг қарори ҳамда жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги юзасидан тўпланган ҳужжатлар, гувоҳ И.Мардоновнинг суддаги кўрсатуви ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Биринчи инстанция суди томонидан [REDACTED]нинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 221-моддасининг 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилиниб, унинг шахси, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражаси инобатга олиниб қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш ҳақида асосли хулосага келинган.

Суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 490, 496, 506, 509-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

**А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 2017 йил 7 февралдаги [REDACTED] га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

**Раислик қилувчи:** имзо **Ш.Камолов**

**Ҳайъат судьялари:** имзо **Р.Худайбердиева**

имзо **Д.Атамуратов**

Аслига тўғри, судья

Д.Атамуратов